

Саҳобалар чеккан

азиятлар



# *Саҳобалар чеккан азиятлар*

## **Абу Бакр разияллоҳу анҳу чеккан азиятлар**

Саҳобалар розияллоҳу анҳум забардаст тоғлар кўтара олмайдиган оғир мусибатларни кўтардилар, қийин машаққатларга бардош бердилар. Аллоҳ йўлида молларини сарфладилар, жонларини фидо қилдилар. Уларнинг Қурайш ичида ҳурмат-эътиборлилари ҳам Қурайшнинг тазйиқларидан омон қолмади.

Жумладан, Абу Бакр разияллоҳу анҳу ҳам Аллоҳ йўлида кўп озор чекди. Масжиди Ҳаромда унинг бошига тупроқ сочишди, пойабзаллар билан уриб, оғзи-бурнини қонга белашди. Сўнг чалажон ҳолда кийимига ўраб, уйига элтиб қўйилди.

Оиша разияллоҳу анҳо айтадилар: "Саҳобалар сони ўша пайтга келиб ўттиз саккиз кишига етган эди. Абу Бакр Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан халқ олдига чиқиб, очиқчасига Исломига даъват қилишни қаттиқ илтимос қилди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Эй Абу Бакр, бизнинг сонимиз оз", дедилар. Абу Бакр қайта-қайта илтимос қилаверганидан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалар билан биргаликда Масжиди Ҳаромга кирдилар. Саҳобалар масжиднинг ҳар тарафига тарқалиб, ўзининг қабиласи қаторида турди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўтирдилар. Абу Бакр у зотнинг ёнларида туриб, одамларга хитоб қилди. Хутба қилиб, Аллоҳ

ва Расулининг йўлига биринчи бўлиб даъват этган киши Абу Бакр бўлди.

Мушриклар ўрниларидан сапчиб туриб, Абу Бакрни ва саҳобаларни дўппослай кетдилар. Абу Бакр оёқлар остига олинди, қаттиқ калтакланди. Утба ибн Рабиа келиб, пойабзали билан унинг юзига урди ва қорнига оёғини қўйиб, босди. Абу Бакр қонга беланиб, юзидан бурнини ажратиб бўлмайдиган ҳолга келди. Сўнг қавми Бани Тамим ёрдамга келиб, Абу Бакрни мушриклардан қутқариб олдилар. Уни бир матога олиб, уйига элтиб қўйдилар. Унинг тирик қолишига умидлари қолмаган эди.

Бани Тамим Абу Бакрни уйига элтиб қўйганларидан сўнг Масжиди Ҳаромга қайтиб келиб, бундай дедилар: “Аллоҳга қасам, агар Абу Бакр ўлса, биз ҳам Утба ибн Рабиани ўлдирамиз”. Сўнг улар Абу Бакрнинг ҳолидан хабар олгани кетдилар. Абу Бакрнинг отаси Абу Қуҳофа билан биргаликда уни ўзига келтиришга кўп ҳаракат қилишди. Абу Бакр кечга яқин ўзига келди ва тилга кирган заҳоти: “Расулуллоҳга нима қилди? Улар у зотни ҳақорат қилишаётган эди”, деди. Бани Тамим Абу Бакрнинг онаси Уммул Хайрга: “Абу Бакрга бирон егулик беринг, сув ичиринг”, дедилар.

Улар чиқиб кетишгандан сўнг онаси унга таом едиришга ва сув ичиришга ҳаракат қилди. У бўлса фақат: “Расулуллоҳга нима қилди?” дер эди. Онаси: “Дўстингга нима бўлганини билмайман”, деди. Абу Бакр онасига: “Хаттобнинг қизи Умму Жамилга бориб, ундан сўранг”, деди. Онаси Умму Жамилнинг олдига борди. Унга: “Абу Бакр Муҳаммад ибн

Абдуллоҳнинг аҳволини билиш учун мени сенинг олдинга юборди”, деди. Умму Жамил: “Мен Абу Бакрни ҳам, Муҳаммад ибн Абдуллоҳни ҳам танимайман, агар хоҳласангиз сиз билан бирга ўғлингизнинг олдига бораман”, деди. Абу Бакрнинг онаси: “Ҳа, майли”, деди.

Кейин иккови Абу Бакрнинг олдига келишди. Абу Бакр олган жароҳати сабабли анча кучсизланиб қолган эди. Умму Жамил яқин келиб, уни бу аҳволда кўргач: “Аллоҳга қасам, сизга бундай азият берганлар фосиқ ва кофирдирлар. Аллоҳ сиз учун улардан ўч олсин”, деб хитоб қилди. Абу Бакр: “Расулуллоҳга нима қилди?” деб сўради ундан. “Онанинг эшитиб турибди”, деди у. Яъни Абу Бакрнинг онаси ҳали Исломига кирмаганлиги учун унинг олдида жавоб беришни истамади. Шунда Абу Бакр: “Ҳечқиси йўқ, айтавер”, деди. Умму Жамил: “Пайғамбар алайҳиссалом соппа-соғлар”, деди. Абу Бакр: “Ҳозир қаердалар?” деди. Умму Жамил: “Арқамнинг уйидалар”, деди. Абу Бакр: “Аллоҳга қасам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрмагунимча таом ҳам тотмайман, сув ҳам ичмайман”, деди.

Сўнг у бироз ўзига келгач ва одамлар тарқалиб, шов-шувлар тинчигач онаси Умму Жамил билан биргаликда Абу Бакрнинг қўлтиғидан суяб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурига олиб боришди. У Пайғамбар алайҳиссаломни қучоқлаб, ўпиб, йиғлади. Ўша ерда турган мусулмонлар ҳам Абу Бакрни бағрларига босдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга қаттиқ қайғурдилар. Абу Бакр: “Отам-онам сизга фидо бўлсин, ё

Расулуллоҳ, анави фосиқнинг юзимга урганини айтмаганда, мен яхшиман”, деди. Сўнг Абу Бакр: “Бу менинг онам, менга жуда ғамхўр. Сиз муборак зотсиз, унинг ҳаққига дуо қилинг, шояд Аллоҳ дуонгиз сабабли уни дўзахдан асраса!” деди. Пайғамбар алайҳиссалом онаси ҳаққига дуо қилиб, уни Исломга даъват этдилар. Сўнг у ҳам Исломга кирди<sup>[1]</sup>.

### *Абу Бакрнинг калтакланиши ҳодисасидан олинадиган ибратли сабоқлар*

**а) Абу Бакрнинг кофирлар олдида Исломни ошкор эълон қилишга ҳарис бўлганлиги.**

Албатта бу унинг иймони нақадар қувватли эканини кўрсатади. Дарҳақиқат, буни амалга оширишда кучли азиятларга дуч келди ва сабр қилди. Ҳатто қаттиқ калтакланганидан қавми унинг ўлиб қолишига шубҳа қилмаган эди.

**б) Унинг Пайғамбар алайҳиссаломга бўлган кучли муҳаббати.**

Зеро, ўзи оғир аҳволда бўла туриб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аҳволларини сўради ва у зот билан учрашмагунича таом емасликка ва сув ичмасликка қасам ичди. Аҳволи оғир бўлса ҳам Аллоҳга ва Расулига бўлган муҳаббати боис бир иложини қилиб Пайғамбар алайҳиссалом билан учрашди.

---

[1] Ибн Касир, “Ас-сийрат ан-набавия”, 1/439-441. “Ал-бидоя ван-ниҳоя”, 3/30-бет.

**в) Ўша пайтда бундай воқеа ва ҳодисаларда қабилачиликнинг роли катта бўлар эди.**

Гарчи ақида бошқа бўлса ҳам. Шунинг учун Абу Бакрнинг қабиласи агар Абу Бакр калтак таъсирида ўладиган бўлса, Утбани ҳам ўлдиришга қарор қилдилар<sup>[1]</sup>.

**г) Умму Жамилнинг хавфсизликка риоя қилгани.**

Мазкур ҳодисада унинг бир неча ўринда хавфсизликка риоя қилганини кўрамиз.

Жумладан:

**Катта шахсият эгаларини танишини инкор этиши:**

У ўзини Исломдаги катта мавқега эга бўлган шахсларни танимасликка олиб, улар ҳақида маълумот бермади.

Абу Бакрнинг онаси Уммул Хайр Умму Жамилдан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жойлари ҳақида сўраганда эҳтиёткорлик қилиб, Абу Бакрни ҳам, Муҳаммад ибн Абдуллоҳни ҳам танимаслигини айтди. Чунки Уммул Хайр ўшанда ҳали Исломга кирмаган эди. Шунинг учун Умму Жамил ўзининг мусулмонлигини ундан яширди, унинг билишини хоҳламади. Шу билан бир қаторда унинг Қурайшнинг айғоқчиси бўлиб чиқишидан кўрқиб Пайғамбар алайҳиссаломнинг турган жойларини яширди<sup>[2]</sup>.

---

[1] “Меҳнатул-муслимийн фил-аҳдил маккий”, 79-бет.

[2] “Фис-сийрат ан-набавия”, 50-бет.

**Маълумотни етказиш учун қулай фурсатни ғанимат билгани:**

Умму Жамил Абу Бакрга Пайғамбар алайҳиссаломнинг тинчликларини ўзи етказмоқчи бўлди ва буни Уммул Хайрга сездирмади. Фурсатдан фойдаланиб: “Агар хоҳласангиз, мен сиз билан бирга ўғлингиз олдига бораман”, деди. Унга бу гапни айтишда ҳам заковатини ишлатганига қаранг. Яъни “агар хоҳласангиз” дер экан, “Абу Бакр олдига” эмас, “ўғлингиз олдига борамиз” дейиши онанинг меҳри кўзғалишига сабаб бўлади. Она бундай талабга кўнгли юмшаб, тезда ижобат қилади. Шундай бўлди ҳам.

Шу билан Умму Жамил Абу Бакрга Пайғамбар алайҳиссаломнинг тинчликлари хабарини ўзи етказди.

**Уммул Хайрнинг меҳрини кўзғаш учун қулай фурсатдан фойдалангани:**

Қиссада Умму Жамил Уммул Хайрнинг меҳрини кўзғашга ҳаракат қилгани кўриниб турибди. Шунинг учун Абу Бакрни оғир аҳволда кўрганда унга озор берганларни қарғади ва: “Сизга бундай азият берганлар фосиқ ва кофирлардир” деб қичқирди.

Умму Жамилнинг бу феъли бироз бўлса-да Уммул Хайрнинг ғам-андухини аритгандай бўлди. Бу билан Уммул Хайрнинг қалбида Умму Жамилга нисбатан муҳаббат ва ишонч пайдо бўлди.

Шу йўсинда Умму Жамил Пайғамбар алайҳиссаломнинг тинчликлари хабарини Абу Бакрга осонлик билан етказа олди<sup>[3]</sup>.

**Маълумотни айтишдан олдин шошилмагани ва эҳтиёткорона иш тутгани:**

Умму Жамил ғоятда эҳтиёткорлик билан иш тутди. Чунки Пайғамбар алайҳиссалом ҳақларида бирон маълумот бериш у зотнинг турган жойларини билдириб қўйишга элтади. Умму Жамил Уммул Хайрга ишонмайди. Чунки Уммул Хайр ўша пайтда мушрик эди. Шунинг учун Абу Бакр ундан Пайғамбар алайҳиссалом ҳақларида сўраганда айтишга иккиланиб: “Онангиз эшитиб турибди”, деган эди. Шунда Абу Бакр: “Ҳечқиси йўқ, айтавер”, дейди. Шундан кейингина Умму Жамил: “Пайғамбар алайҳиссалом соппа-соғлар” деб жавоб беради<sup>[4]</sup>. Лекин ўшанда ҳам эҳтиёткорлик юзасидан Пайғамбар алайҳиссаломнинг турган жойларини айтмайди. Абу Бакр: “Расулуллоҳ қаердалар?” деб сўраганидан кейингина Арқамнинг уйида эканликларини айтади.

**Муҳим вазифани бажариш учун муносиб вақтни танлагани:**

Абу Бакр Арқамнинг ҳовлисига бормоқчи бўлганда Умму Жамил унинг талабини дарҳол бажо келтирмади.

---

<sup>[3]</sup> Ўтган манба.

<sup>[4]</sup> “Ас-сийрат ан-набавия”, 51-бет.



Абу Бакр оз-моз ўзига келиб, ташқарида шов-шувлар ҳам сал пасайгандан кейин Уммул Хайр билан бирга уни қўлтиқлаб олиб кетдилар. Албатта бу вақт муҳим ишни бажариш учун энг қулай фурсат эди. Чунки Ислон душманлари тарафидан кузатув ҳам тўхтаган эди. Умму Жамил бу ишни душманларга сездирмаган ҳолда амалга ошира олди. Абу Бакрни Арқамнинг ҳовлисига эсон-омон олиб келишлари албатта танлаган вақт жуда муносиб бўлганлигини кўрсатади<sup>[5]</sup>.

#### **д) Мусибат ортидан неъмат.**

Абу Бакрнинг онаси ўғлининг унга қилган ғамхўрлиги ва Пайғамбар алайҳиссаломнинг дуолари сабабли Ислонга кирди. Зотан Пайғамбар алайҳиссаломдек бегона инсонларнинг ҳам ҳидоят топишларига жуда ҳарис бўлган зот энг яқин кишиларининг ҳидоятига ҳарис бўлмасмидилар!<sup>[6]</sup>

**е) Саҳобалар ичида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин энг кўп азият чеккан, оғир синовларни бошидан кечирган саҳоба Абу Бакр разияллоҳу анҳудир.**

Чунки у Пайғамбар алайҳиссаломга энг яқин дўст бўлган эди. Қурайш қаерда Пайғамбар алайҳиссаломга озор берган бўлса, ўша ерда у ҳам ҳозир бўлиб, у зотни ҳимоя қилар, жонини хатарга қўяр эди. Қавмнинг эси пастлари унга ҳам азиятлар беришар эди. Ҳолбуки, Абу Бакр Қурайшнинг энг ақлли, муруватли кишиларидан бўлган эди.

---

[5] "Ас-сийрат ан-набавия", 50-52-бетлар.

[6] "Меҳнатул муслимин фил-аҳдил маккий", 79-бет.

## Билол разияллоҳу анҳуга етган азиятлар

Расулуллоҳга ва у зотнинг асҳобларига мушрикларнинг азиятлари кундан-кун кучайиб, тазйиқлар чўққисига чиқди. Хусусун, заиф-ожиз мусулмонларга қаттиқ босим ўтказилди. Уларни динларидан чиқариш мақсадида қаттиқ қийноқлар қўлланди. Токи бу қийноқлар бошқаларга ибрат бўлсин ва Қурайш мусулмонлардан аламини олсин.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу айтади: “Мусулмонликларини илк бор ошкор эълон қилганлар етти киши эди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Абу Бакр, Аммор, унинг онаси Сумайя, Суҳайб, Билол, Миқдод. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амакилари Абу Толиб у зотни ўз ҳимоясига олди. Абу Бакр қавмининг ҳимоясида бўлди. Қолганлар эса мушриклар томонидан ушланиб, турли хил қийноқларга солиндилар.

Уларнинг эгнига темир совутлар кийдириб, қуёшга тобладилар. Оғир қийноқларга чидаёлмай баъзилар мушрикларнинг талабига рози бўлди. Аммо Билол Аллоҳ йўлида жонини арзимас санаб, қийноқларга бардош берди. Қурайш уни болаларга бериб қўйди. Болалар уни Макка кўчаларида судраб юрдилар. Шунча хўрлашга қарамай у фақат: “Аллоҳ ягона, Аллоҳ ягона” дер эди<sup>[1]</sup>.

---

[1] Аҳмад ривояти, 1/404-бет. Ҳадис рақами: 3832, санади ҳасан.

Билолнинг на суянадиган ҳимоячиси, на қавми ва на қиличи бор эди. Бу каби инсоннинг Маккада, жоҳилий жамиятда ҳеч қандай қадр-қиммати йўқ эди. Унинг фақат хожасига хизмат қилиш ва унга бўйсуннишдан ўзга чораси йўқ эди. Қуллар мол-қўйлар каби бозорларда сотилар эди.

Қулнинг жамиятга бирон фикр билдириши ё бир нарсага даъват этиши ёки бирон муаммога ечим таклиф этиши жоҳилий жамиятда ўта оғир жиноят ҳисобланар эди. Ёшлар эргашган янги дин жамиятда ҳеч қандай мавқега эга бўлмаган бу қулнинг ҳам қалбига нур киритди. Уни бутунлай бошқа инсонга айлантирди<sup>[2]</sup>.

Дарҳақиқат, Билол Исломга кириб, Пайғамбар алайҳиссалом бошчилигидаги мўминлар қарвонига қўшилгандан кейин чин иймон мазмун-моҳияти қалбида мустаҳкам ўрин олди. Мана, энди у ақидаси ва дини сабабли қаттиқ қийноқларга солинмоқда. Абу Бакр разияллоҳу анҳу Билол чекаётган азобларга барҳам бериш мақсадида унинг хожаси Умайя ибн Халафни келишувга чақирди:

– Эй Умайя, бир бечора қулни намунча қийноққа солмасанг? Аллоҳдан қўрқмайсанми?!

Умайя: – Уни бузган ва йўлдан урган сенсан. Қўлингдан келса уни қутқариб ол, – деди.

– Хўп, шундай қиламан. Менда бундан ҳам бақувват қора танли қул бор, у сенинг динингда, хоҳласанг уни бунга алмаштирамиз, – деди Абу Бакр.

---

<sup>2]</sup> “Ат-тарбия ал-қиедия”, 1/136-бет.

– Майли, розиман, – деди Умайя.

– Келишдик, – деди Абу Бакр, сўнг қулини келтириб, ўрнига Билолни олди ва уни қулликдан озод этди<sup>[3]</sup>.

Бошқа бир ривоятда Абу Бакр Билолни етти уқия ёки қирқ уқия тиллога сотиб олгани айтилган<sup>[4]</sup>.

Ҳа, Билол разияллоҳу анҳу ўта матонатли, чинакам мўмин, қалби тоза бўлгани боис оғир қийноқларга бардош берди, қаттиқ қийноқлар олдида ўзини йўқотмади. Унинг сабру матонати мушрикларнинг ғазабини қўзғар эди. Хусусан, унинг мусулмонларнинг заифларидан бўла туриб Исломда собитқадам туриши мушрикларга жуда алам қиларди. Билолнинг оғзидан кофирлар истаган калима чиқмади. Унинг тили фақат тавҳид калимасини такрорлар эди. Билол Аллоҳ йўлида жонини арзимас санади ва ўзи ҳам қавмига арзимас бўлди<sup>[5]</sup>.

Оғир синовлардан кейин Аллоҳнинг марҳамати ва ёрдами келди. Билол қийноқлардан қутулди. Қулликдан озод бўлди. Бундан кейин қолган ҳаётини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан ўтказди.

---

<sup>[3]</sup> Ибн Ҳишом, “Ас-сийра ан-набавия”, 1/294-бет.

<sup>[4]</sup> “Ат-тарбия ал-қиедия”, 1/140-бет.

<sup>[5]</sup> “Меҳнатул-муслимин фил-аҳдил-маккий”, 92-бет.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан рози бўлиб дунёдан ўтдилар ва дунёдалик чоғида унга жаннат башоратини бердилар. Дарҳақиқат, у зот: **“Мен жаннатда сенинг ковушинг товушини эшитдим”**, деган эдилар<sup>[6]</sup>.

Саҳобалар ичида ҳам унинг мартабаси баланд бўлди. Умар разияллоҳу анҳу айтар эди: **“Абу Бакр саййидимиздир. У саййидимизни (яъни Билолни) озод этди”**<sup>[7]</sup>.

### **Абу Бакрнинг заиф, бечора қулларни озод этиши**

Абу Бакрнинг заиф, бечора қулларни озод этиши кейинчалик исломий раҳбарликнинг қийноқларга қарши тузган режасига айланди. Абу Бакр бундан кейин ҳам Исломни қабул қилган қулларни озод этишда давом этди.

Абу Бакр разияллоҳу анҳу Мадинага ҳижрат қилишидан олдин Билолдан ташқари яна олти нафар қулни ҳам озод этган эди.

Улардан бири **Омир ибн Фухайра**дир. У Бадр ва Уҳуд ғазотида қатнашган, Мауна қудуғи жангида шаҳид бўлган.

Иккинчиси **Умму Убайс** эди.

Учинчиси **Зиннийра** эди. Зиннийра озод этилгандан сўнг кўзи кўрмай қолади. Шунда Қурайш: **“Унинг кўзини Лот ва Уззо кўр қилиб қўйди”**, дедилар.

---

[6] “Саҳиҳи Муслим”, 2/191-бет. Ҳадис рақами: 2458.

[7] Ибн Саъд, “Ат-табақот ал-кубро”, 3/232. Санад ровийлари ишончли.

Зиннийра: “Байтуллоҳнинг Раббига қасам, бу ёлғон гап, Лот ва Уззо зарар ҳам, фойда ҳам бера олмайди”, деди. Сўнг Аллоҳ унга кўзини қайтариб берди.

Тўртинчи ва бешинчиси **Наҳдия** ва унинг қизи эди. Она-бола иккиси Бани Абдуд-дор қабиласига мансуб бир аёлнинг чўрилари эди. Абу Бакр уларнинг олдидан ўтиб кетаётган эди. Хожаси уларни тегирмондан ун чиқариш учун жўнатаётди: “Аллоҳга қасам, мен сизларни асло қулликдан озод этмайман”, деди. Абу Бакр унга: “Эй фалончи, қасамингни буз”, деди. У аёл: “Сенсан ўша икки чўримни бузган, ўзинг озод қил энди”, деди. Абу Бакр: “Қанча берай?” деди. “Шунча бер”, деб баҳосини айтди у. Абу Бакр: “Келишдик, мен уларни сен айтган пулга олдим ва иккисини ҳам чўриликдан озод этдим”, деди. Сўнг уларга: “Хожангизнинг буғдойини ўзига қайтариб беринглар”, деди. Улар: “Эй Абу Бакр, тегирмондан чиқариб берсак-чи?” дедилар. Абу Бакр: “Майли, ўзингиз биласиз”, деди<sup>[1]</sup>.

Ушбу воқеа Ислом адолатли дин эканига далил бўлади. Чунки Абу Бакр сотиб олиб, чўриликдан озод этган она ва қиз унга бемалол ўз фикрларини айта олдилар. Бу эса қул билан хожа ўртасидаги ҳақиқий тенгликка далолат қилади.

---

[1] Ибн Ҳишом, “Ас-сийрат ан-набавия”, 1/393-бет.

Абу Бакр жоҳилиятда ҳам, Исломда ҳам ҳурмат-эътиборли, шарафли инсон бўлишига ва уларни чўриликдан озод этган хожа бўлишига қарамай уларнинг фикрларини қабул қилди. Улар мусулмон бўлганлари туфайли қалблари покланиб, собиқ хожаларига гўзал хулқ ила муомала қилдилар. Чўриликдан, зулмдан қутулганларидан кейин буғдойни тегирмондан чиқармай, шундоқ ташлаб кетсалар ҳам бўлар эди. Лекин бунга иймонлари йўл қўймади ва буюрилган ишни охиригача етказиб қўйдилар<sup>[2]</sup>.

Абу Бакр Бани Муаммал хонадони чўрисининг олдидан ўтиб қолди. Бу хонадон Бани Адий ибн Каъб қабиласига мансуб эди. Чўри Исломга киргани учун Умар ибн Хаттоб уни қийноқларга солар эди. Ўша пайт Умар ҳали Исломга кирмаган эди. Умар уни калтаклаб чарчагач: “Мен сени уришдан тўхтаб қолганим учун сендан узр сўрайман, чунки чарчаб қолдим”, дер эди. Чўри: “Аллоҳ ҳам сени шундай қилсин”, дер эди. Абу Бакр уни ҳам сотиб олади<sup>[3]</sup>.

Абу Бакр разияллоҳу анҳу қулларни озод этар, ишсизга иш топиб берар, қариндошчиликни боғлар, бировларнинг оғирини енгил қилар, меҳмонга иззат-икром кўрсатар, ҳақ йўлда одамларга кўмакчи бўлар эди.

У жоҳилиятда ҳам маъсият ишларга қўл урмаган эди. Заиф-бечораларга, қулларга раҳм-шафқат кўрсатар эди. Катта маблағ сарфлаб қулларни сотиб олар, сўнг уларни Аллоҳ учун озод этар эди.

---

<sup>[2]</sup> Абу Шаҳба, “Ас-сийрат ан-набавия”, 1/346-бет.

<sup>[3]</sup> Ибн Ҳишом, “Ас-сийрат ан-набавия”, 1/393-бет.

Ҳолбуки, ҳали қул озод қилишга чорловчи, озод этувчиларга ажр-савоблар ваъда қилувчи оятлар нозил бўлмаган эди<sup>[4]</sup>.

Макка мушриклари Абу Бакрнинг қулларни озод этиш учун катта маблағ сарфлаётганидан ажабландилар. Абу Бакрнинг назарида эса у озод этган қуллар диндаги биродарлари эди. Ер юзидаги барча мушрик ва тоғутлар у озод этган қуллардан биронтасига ҳам тенг эмас эди. Улар билан ер юзида тавҳид давлати қурилади, Исломиё гўзал мукаммал маданият барпо этилади.

Абу Бакр бу иши билан на мақтов, на обрў-эътибор ва на мол-дунё истади. У ёлғиз Аллоҳнинг розилигини истар эди. Бир куни отаси унга: “Ўғлим, кучсиз қулларни кўп озод этаяпсан, кучли эркак қулларни озод этсанг, керак пайтда улар сени ҳимоя қилар эдилар”, деди. Абу Бакр: “Отажон, мен бу ишимни Аллоҳ учун қилаяпман”, деб жавоб берди.

Шунинг учун ҳам Аллоҳ Таоло Абу Бакрнинг шаънини баланд кўтарадиган, қиёматгача тиловат қилинадиган оятлар нозил қилган бўлса ажаб эмас:

﴿ فَأَمَّا مَنْ أَعْطَى وَاتَّقَى ۝ وَصَدَّقَ بِالْحُسْنَى ۝ فَسَنَنْسِرُهُ لِلْعُسْرَى ۝ وَأَمَّا مَنْ بَخِلَ وَاسْتَغْنَى ۝ وَكَذَّبَ بِالْحُسْنَى ۝ فَسَنَنْسِرُهُ لِلْعُسْرَى ۝ وَمَا يُغْنِي عَنْهُ مَالُهُ إِذَا تَرَدَّى ۝ إِنَّ عَلَيْنَا لَلْهُدَى ۝ وَإِنَّ لَنَا لَلْآخِرَةَ وَالْأُولَى ۝ فَأَنْذَرْتُمْ نَارًا تَلْقَوْنَ ۝ لَا يَصْلَاهَا إِلَّا الْأَشْقَى ۝ الَّذِي كَذَّبَ وَتَوَلَّى ۝ وَسَيُجَنَّبُهَا الْأَتْقَى ۝ الَّذِي يُؤْتِي مَالَهُ يَتَزَكَّى ۝ وَمَا لِأَحَدٍ عِنْدَهُ مِنْ نِعْمَةٍ تُجْزَى ۝ إِلَّا ابْتِغَاءَ وَجْهِ رَبِّهِ الْأَعْلَى ۝ وَلَسَوْفَ يَرْضَى ۝ ﴾

[4] Абу Шаҳба, “Ас-сийрат ан-набавия” 1/345-бет.



“Кимда-ким молини сарфласа ва бу ишида Аллоҳдан тақво қилса, “Ла илаҳа иллаллоҳ” (Аллоҳдан бошқа ҳақ илоҳ йўқ) калимасига, унинг мазмун-моҳиятига ва унга бериладиган мукофотга ишонса, Биз уни яхшилик ва тўғрилиққа муваффақ этамиз ва ишларини осонлаштириб қўямиз.

Кимда-ким молига бахиллик қилса ва Раббининг мукофотидан ўзини беҳожат деб билса, “Ла илаҳа иллаллоҳ” калимасига, унинг мазмун-моҳиятига ва унга бериладиган мукофотга ишонмаса, Биз унга бахтсизлик йўлларини қулай қилиб қўямиз ва бахиллик қилиб бермаган моли дўзахга тушганида унга фойда бермайди. Шубҳасиз, жаннатга олиб борувчи ҳидоят йўлини кўрсатиш ва уни ўз фазл-марҳаматимиз ва ҳикматимиз билан залолат йўлидан ажратиб бериш Бизнинг зиммамиздадир. Охират ва дунё ҳаётининг эгаси ҳам фақат Бизмиз.

Эй одамлар, Мен сизларни ловуллаб турган жаҳаннам ўтидан огоҳлантирдим, ҳазир бўлинг! Бу ўтга Аллоҳнинг пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни ёлғончига чиқарган, Аллоҳга ва пайғамбарига иймон келтиришдан ва уларга итоат этишдан юз ўгирган ўта бадбахт одам киради. Кўп савобларни қўлга киритиш мақсадида молини сарфлаган тақводор инсон ундан узоқ қилинади. У молини ўзига бирон яхшилик қилган кишини мукофотлаш учун сарфламайди. Балки у бу иши билан олий Раббининг юзини ва розилигини истайди. Яқинда у

Аллоҳ жаннатда ато этадиган мукофотлар билан мамнун бўлади” (Лайл, 5-21).

Саҳобалар ўртасида ўзаро бирдамлик ва ҳамжиҳатлик энг чўққисига чиққан эди. Озод этилган қуллар соф ақида эгасига айланиб, унинг йўлида улкан хизматлар қилдилар. Абу Бакр разияллоҳу анҳу уларни сотиб олиб, сўнг қулликдан озод этиши бу диннинг улуғлигига ва дин унинг қалбида мустаҳкам жойлашганлигига далолат қилади.

Бугунги кунда мусулмонлар бу гўзал намунадан ўрнак олишлари, шундай олий ҳис-туйғуларни ҳаётда қайта татбиқ этишлари керак. Шунда мусулмонлар ичида бирдамлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат пайдо бўлади. Акс ҳолда, улар ер юзининг аксар ўлкаларида дин душманлари томонидан оёқости қилинган ҳолда қолаверадилар.

### **Аммор ибн Ёсир ва унинг ота-онаси чеккан азиятлар**

Амморнинг отаси Ёсир Яман қабилаларидан Бани Анс қабиласига мансуб эди. У икки ака-укаси Ҳорис ва Молик билан Маккага бир иниларини излаб келган эди. Ҳорис ва Молик Яманга қайтиб кетишади. Ёсир эса Маккада қолади ва Абу Ҳузайфа ибн Муғира ал-Махзумийга иттифоқдош бўлади<sup>[1]</sup>. Унинг Сумайя исмли чўрисига уйланади. Сумайядан Аммор исмли ўғли туғилади. Кейин Абу Ҳузайфа уни қулликдан озод этади. Кўп ўтмай Абу Ҳузайфа вафот этади.

---

<sup>[1]</sup> Билазуррий, “Асбоб ал-ашроф”, 1/100-107-бетлар.

Исломга даъват бошланганда Ёсир, Сумайя, Аммор ва укаси Абдуллоҳ Исломга кирадилар. Уларни қулликдан озод этган хожалари бундан қаттиқ ғазабланадилар. Уларни оғир қийноқларга соладилар. Жазирама иссиқ кунда уларни Макканинг қумлоқларига олиб чиқиб<sup>[2]</sup>, қоринлари билан ерга ётқизар эдилар<sup>[3]</sup>. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг олдидан ўтатуриб: “Эй Ёсир оиласи, сабр қилинг, жойингиз жаннатдир”, дер эдилар.

Абу Жаҳл Сумайянинг олдига келиб, унга: “Аниқки, сен Муҳаммаднинг жамолига ошиқ бўлганинг учунгина унинг динига киргансан”, деди. Сумайя унга бир ёмон сўз айтди. Шунда Абу Жаҳл унинг жинсий аъзосига найза санчиб, ўлдирди. Сумайя Исломдаги энг биринчи шаҳид бўлди<sup>[4]</sup>. Тарих саҳифасига Аллоҳ йўлида жонини фидо қилган аёл деб битилди. Қиёматгача келадиган ҳар бир мусулмон аёл учун ўрнак бўлди. Суммайя Аллоҳ йўлида азиз жонини қурбон қилди<sup>[5]</sup>.

Усмон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга Батҳо деган жойда кетаётган эдик, у зот менинг қўлимдан тутган эдилар. Аммор ибн Ёсир оиласи олдига етиб келганимизда Амморнинг отаси Ёсир: “Ё Расулуллоҳ, бу азобларнинг охири бормикин?” деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сабр қил”, дедилар.

---

[2] Ибн Ҳишом, “Ас-сийрат ан-набавия”, 2/68-бет.

[3] Омирий, “Баҳжатул-маҳофил”, 1/97-98-бетлар.

[4] “Меҳнатул-муслимийна фил-аҳдил-маккий, 99-бет.

[5] “Ат-тарбия ал-қиядия”, 1/217-бет.

Сўнг: “Эй Парвардигор, Ёсир оиласини мағфират қил”, дедилар <sup>[6]</sup>. Кўп ўтмай Ёсир қийноқлар остида дунёдан кўз юмди.

Ўша пайтларда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Ёсир оиласига ёрдам кўрсатишга ҳеч қандай имконлари бўлмаган эди. Улар қуллардан ҳам эмас эдиларки, сотиб олиб, сўнг қулликдан озод этсалар. У зот уларга ўтказилаётган тазйиқ ва қийноқларни даф қиладиган куч-қудратга эга эмас эдилар. Қўлларида келгани уларни сабрга чорлаш ва сабр эвазига уларга мағфират ва жаннат башоратини бериш бўлди.

Бу билан Ёсир оиласи то қиёмат мўминларга ўрнак бўлдилар. “Сабр қилинг, эй Ёсир оиласи, жойингиз жаннатдир” деган сўз тазйиқ ва қийноқларга йўлиққан барча мўминларга шиор бўлиб қолди<sup>[7]</sup>.

Аммор разияллоҳу анҳу узоқ умр кўрди. Ҳаётида турли хил қийноқларни бошидан кечирди. У Маккада уни ҳимоя қиладиган қабиласи бўлмаган, заиф инсонлардан эди. Қурайш ундай заифларни Макканинг саҳроларига олиб чиқиб, куннинг иссиғида қийноққа солар эди. Аммор ҳам ана шундай қийноққа солинганлардан биридир. У қийноқнинг қаттиқлигидан нима деяётганини ҳам билмай қолар эди<sup>[8]</sup>.

---

<sup>[6]</sup> “Саҳиҳ ас-сийрат ан-набавия”, 98-бет. Ҳайсамий “Ал-мажмаъ”да (9/293) келтириб: “Буни Аҳмад ривоят қилиб, санадини саҳиҳ деган”, дейди.

<sup>[7]</sup> “Ат-тарбия ал-қиядия”, 1/217, 218-бетлар.

<sup>[8]</sup> “Меҳнатул-муслимийна фил-аҳдил-маккий, 100-бет.

То Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида бўлмагур сўзни айтмагунича мушриклар уни тинч қўймадилар. Охир-оқибат уларнинг илоҳлари ҳақида яхши сўз айтишга мажбур бўлди.

Ундан кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига келди. У зот: “Нима бўлди?” дедилар. Аммор: “Ёмон сўзни айтдим, Аллоҳга қасам, мушриклар мени қаттиқ қийнадилар, ҳатто сиз ҳақингизда бўлмагур сўзни, уларнинг илоҳлари тўғрисида яхши сўзни айтишга мажбур бўлдим”, деди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қалбинг нима деяпти?” дедилар. Аммор: “Қалбим иймонга тўла”, деди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар яна сенга шундай азоб беришса, ўша сўзни яна айтавер”, дедилар<sup>[9]</sup>. Аммор чинакам мўмин эканлигига Аллоҳ Ўзи гувоҳлик бериб ваҳий нозил қилди:

﴿مَنْ كَفَرَ بِاللَّهِ مِنْ بَعْدِ إِيمَانِهِ إِلَّا مَنْ أُكْرِهَ وَقَلْبُهُ مُطْمَئِنٌّ بِالْإِيمَانِ وَلَٰكِنْ مَنْ شَرَحَ بِالْكُفْرِ صَدْرًا فَعَلَيْهِمْ غَضَبٌ مِّنَ اللَّهِ وَلَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ﴾

“Ёлғонни фақатгина куфр сўзини айтган ва иймон келтирганидан кейин иймонидан қайтиб, муртад бўлган кимсалар тўқийдилар. Ана ўшаларга Аллоҳнинг ғазаби бўлгай. Аммо бир киши куфр сўзини айтишга мажбур қилинса ва бу сўзни қалби иймонда собит бўлган ҳолда, ҳалокатдан қўрққани учунгина айтган бўлса, унга маломат йўқдир.

---

[9] Ал-Ғазолий, “Фикҳ ас-сийра”, 103-бет.

Лекин кимда-ким куфр калимасини айтса ва кўнгли шунга таскин топса, ана ўшаларга Аллоҳнинг қаттиқ ғазаби ва оғир азоби бор” (Наҳл, 106).

Сўнг Аммор Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга барча ғазотларга қатнашди<sup>[10]</sup>.

Мазкур икки саҳоба Билол ва Аммор разияллоҳу анҳумонинг қиссаларида рухсатдан фойдаланиш билан қатъият кўрсатиш ўртасини ажратадиган катта фикҳ-илм бор. Даъватчилар уни яхши билиб олишлари зарур. Токи ҳар бир ишни ўз ўрнида, ҳаддан ошмаган ва бепарво бўлмаган ҳолда адо этсинлар.

### Саъд ибн Абу Ваққос разияллоҳу анху

Саъд разияллоҳу анху онаси томонидан кўп азиятга йўлиқди. Онаси то у диндан қайтмагунича таом емасликка қасам ичди. Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ ёзади: Табароний “Ал-ишра” китобида келтиришича, Саъд: “Мана бу оят мен ҳақимда нозил бўлган эди”, дейди:

﴿وَإِنْ جَهَدَاكَ عَلَىٰ أَنْ تُشْرِكَ بِي مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ فَلَا تُطِعْهُمَا ۚ وَصَاحِبَهُمَا فِي الدُّنْيَا مَعْرُوفًا ۚ وَاتَّبِعْ سَبِيلَ مَنْ أَنَابَ إِلَيَّ ۚ ثُمَّ إِلَيَّ مَرْجِعُكُمْ فَأُنَبِّئُكُمْ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ﴾

“Агар ота-онанг сени ўзинг билмайдиган нарсаларни Менга шерик қилишга зўрласалар, уларга итоат қилма” (Луқмон, 15).

---

[10] Ал-Ғазолий, “Фикҳ ас-сийра”, 103-бет.

Саъд айтади: “Мен онамга жуда меҳрибон эдим. Исломга кирганимда онам: “Эй Саъд, бу нимаси, ўзгариб қолдинг? Билиб қўй, бу диндан чиқмагунингча мен таом ҳам емайман, сув ҳам ичмайман, кейин одамлар бу онасини ўлдирган бола, деб сени маломат қилишади”, деди. Мен: “Ундай қилманг, онажон. Чунки мен бу диндан асло воз кеча олмайман”, дедим. Онам бир кун овқат емади ва анча қийналди. Сўнг яна бир кеча-кундуз овқат емади. Тобора ҳолсизланди. Сўнг учинчи кун ҳам туз тотмади ва очликдан сулайиб қолди. Мен унинг аҳволини кўриб: “Онажон, ўзингиз яхши биласиз, Аллоҳга қасамки, агар сизнинг юзта жонингиз бўлиб, ҳаммаси бирма-бир чиқса ҳам мен бу динни ташламайман. Хоҳласангиз энг, хоҳласангиз еманг”, дедим. Шундан сўнг онам овқатланди”<sup>[1]</sup>.

Имом Муслим ривоят қилади: “Саъднинг онаси то Саъд динидан қайтмагунича унга гапирмасликка, оғзига таом ва сув олмасликка қасам ичиб, бундай деди: “Аллоҳ ота-онангга яхшилик қилишга буюрган. Мен онангман. Онангга яхшилик қилишга буюраман”. Сўнг уч кунни шу ҳолда ўтказди. Ҳатто ҳолсизликдан ҳушидан ҳам кетиб қолди. Умора исмли ўғли унга сув ичириб қўйди. Она ўзига келиб, Саъдни дуойи бад қила бошлади.

---

<sup>[1]</sup> *Ибн Касир тафсири, 3/446-бет.*

Аллоҳ Таоло у ҳақда оят нозил қилди:

﴿ وَوَصَّيْنَا الْإِنْسَانَ بِوَالِدَيْهِ حُسْنًا وَإِنْ جَاهَدَاكَ لِتُشْرِكَ بِي مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ فَلَا تُطِعْهُمَا ۗ إِلَيَّ مَرْجِعُكُمْ فَأُنَبِّئُكُمْ بِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴾

“Биз инсонга ота-онасига яхшилик қилишни, уларга ширин сўз ва яхши ишлар билан гўзал муомалада бўлишни буюрдик. (Эй инсон), агар ота-онанг сени Менга ибодатда ширк келтиришга буюрсалар, уларнинг буйруқларини бажарма” (Анкабут, 8).

﴿ وَصَاحِبُهُمَا فِي الدُّنْيَا مَعْرُوفًا ﴾

”Дунёда (гуноҳ бўлмаган ишларда) ота-онангга яхши муносабатда бўл” (Луқмон, 15).

Агар унга овқат едирмоқчи бўлсалар, бир чўп билан оғзини очиб, едириб қўяр эдилар<sup>[2]</sup>. Саъд кўп машаққат чекди. Лекин ана шундай қийин вазиятда ҳам динида мустаҳкам турди. Бу эса унинг иймони ўта кучли эканини кўрсатади. Оқибат ҳар қанча ёмонлашмасин, у диндан воз кечмади<sup>[3]</sup>.

Қуръон оятларини ўқир экансиз, мусулмон киши кофир қариндошларини яхши кўрмасликка буюрилган бўлса-да, уларга яхшилик қилишдан, қариндош-уруғлик риштасини боғлашдан қайтарилмаганини, балки бунга буюрилганини кўрасиз. Лекин ҳақиқий дўстлик ва муҳаббат ёлғиз Аллоҳга, Расулига, динига ва мўминларгадир<sup>[4]</sup>.

[2] Муслим ривояти, 2/1877, 1878-бетлар. Ҳадис рақами: 43, 44 (1748).

[3] “Меҳнатул-муслимин фи-ал-аҳдил маккий”, 106-бет.

[4] Муҳаммад ал-Қаҳтоний, “Ал-вало вал-баро”, 145, 147-бетлар.



## Мусъаб ибн Умайр разияллоҳу анҳу

Мусъаб ибн Умайр разияллоҳу анҳу фаровон ҳаёт, яхши кийиниш ва неъматларга чулғаниб яшаш борасида Макка йигитларининг энг олдиларидан бири эди. Ота-онасининг эрка ўғли эди. Онаси бадавлат аёл бўлиб, унга энг нафис кийимлар кийдирар, энг хушбўй атирлар суртиб қўяр эди. Қимматбаҳо Ҳазрамавт пойабзалидан кияр эди<sup>[1]</sup>. Онаси меҳрибонлик қилиб, ҳатто унинг ухлайдиган жойида бошига яқинроқ ерга хурмо, сариёғ, пишлоқдан таёрланган таом тўлдирилган идишни қўйиб қўйган эди. Қачон уйғонса, ундан олиб ер эди<sup>[2]</sup>.

Мусъаб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Арқам ибн Абу Арқамнинг уйида одамларни Исломга даъват этаётганларини эшитиб, у зот ҳузурларига борди ва Исломга кирди. Онасидан ва қавмидан қўрқиб, Исломни қабул қилганини улардан яширди. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига яширинча борар эди. Бир куни унинг намоз ўқиётганини Усмон ибн Талҳа кўриб қолди<sup>[3]</sup>. Сўнг онасига айтиб берди. Қавми уни ушлаб, қамаб қўйдилар. У Ҳабашистонга ҳижрат қилингунча қамоқда қолди<sup>[4]</sup>.

Саъд ибн Абу Ваққос айтади: “Мен Мусъабни Исломга киргач кўп қийинчиликни бошидан кечирганини кўрганман. Териси худди илон пўст ташлагани каби тўкилиб кетган эди.

---

[1] “Ат-табақот ал-кубро”, 3/116-бет.

[2] “Ар-ровз ал-анф”, 2/195-бет.

[3] Заҳабий, “Сияр аълум ан-нубало”, 3/10, 12-бетлар.

[4] “Меҳнатул-муслимийн фил-аҳдил-маккий”, 107-бет.

Баъзан кўп қийналганидан ҳолсизланиб қолар, биз уни елкамизда кўтариб кетар эдик<sup>[5]</sup>. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қачон уни эсласалар: “Мен Маккада Мусъабдан кўра сочи гўзалроқ, кийими чиройлироқ йигитни кўрмаганман”, дер эдилар<sup>[6]</sup>. Мусъаб Аллоҳ йўлида кўп азоб-уқубатлар чекиб, энг яқин одамларидан жафо кўриб, заиф бўлиб қолишига қарамай, саҳобалар карвонидан ортда қолмади. Улар билан бирга Аллоҳ йўлида жиҳод қилиб, Уҳуд ғазоти куни шаҳид бўлди<sup>[7]</sup>.

Мусъаб дабдабали ва фаровон ҳаёт кечирадиган йигитлар ичида Ислom тарбиясини олиб, обрў-эътиборли, дунё матоларига берилган, бой-бадавлат кишиларнинг ўғилларига ўрнак бўлди. Мусъабнинг ҳаёти бутунлай ўзгарди. Ислomга киргандан кейин асло сусткашлик, дангасалик қилмади. Аксинча, нафсининг истакларига ғолиб бўлди. Ўткинчи дунёнинг лаззатларига алданмади<sup>[8]</sup>.

Мусъаб динга кирганидан сўнг ўтмиш ҳаётидаги барча роҳат-фароғатини тарк этди. Ва табиийки, жуда оғир синовларга йўлиқди. Шу билан иймони сайқалланиб, ишончи янада ортди. У олдинги роҳат-фароғатидан айрилиб, ҳар қанча зулм кўрмасин, нақадар оғир қийноқларга тутилмасин, кўнгли хотиржам эди<sup>[9]</sup>.

---

[5] Ибн Исҳоқ, “Ас-сияр ал-мағозий”, 193-бет.

[6] “Ат-табақот ал-кубро”, 3/116-бет.

[7] “Меҳнатул-муслимийн фил-аҳдил-маккий”, 108-бет.

[8] Муҳаммад Бурайғиш, “Ад-доия ал-мужоҳид Мусъаб ибн Умайр”, 105-бет.

[9] Муҳаммад Бурайғиш, “Ад-доия ал-мужоҳид Мусъаб ибн Умайр”, 105-107-бет.

Қашшоқлик, обрўсизланиш, яқин қариндошлардан ажралиш, очлик ва қийноқлар, ватандан қувилиш каби мусибатларни бошдан кечирди. Динини ва иймонини бу синовлардан эсон-омон олиб ўтди. Кўнгли хотиржам ва қадамлари саботли бўлди<sup>[10]</sup>. Унинг Мадинадаги ҳаёти ҳақида кейинроқ сўз юритамиз, иншааллоҳ.

### Хаббоб ибн Арат разияллоҳу анҳу

Хаббоб ибн Арат Маккада темирчилик қилар эди. Аллоҳ Таоло унинг биринчилардан бўлиб иймонга келишини тақдир этди. Хаббоб Арқам ибн Абу Арқамнинг ҳовлиси даъват марказига айланишидан олдин Исломга кирган эди<sup>[1]</sup>. Маккада қийноқларга солинган заиф кишилардан бири бўлган эди. Мушриклар уни қизиган темирга орқаси билан ётқиздилар, ҳатто териси шилиниб тушди<sup>[2]</sup>.

Хаббоб Исломга кирганидан кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан тез-тез кўришиб турди. Бундан хабар топган хожаси Умму Анмор унинг бошига бир темирни қиздириб босди. Хаббоб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга шикоят қилганида у зот: “Илоҳим, Хаббобга ёрдам бер”, деб дуо қилдилар. Шундан кейин Умму Анморнинг боши қаттиқ оғриб қолди. Оғриқнинг қаттиқлигидан ит каби увиллар эди. Табиблар унга томирини куйдириб даволашни тавсия этдилар.

---

<sup>[10]</sup> Муҳаммад Бурайғиш, “Ад-доия ал-мужоҳид Мусъаб ибн Умайр”, 126-бет.

<sup>[1]</sup> Заҳабий, “Сияр аълум ан-нубало”, 2/479-бет.

<sup>[2]</sup> “Меҳнатул-муслимийн фил-аҳдил-маккий”, 95-бет.

Шундан сўнг у бошини куйдириш учун Хаббобга борди. Хаббоб унинг бошидаги қон томирини куйдириш учун бир темирни қиздириб, босди. Шубҳасиз, бунда ақл эгалари учун ибрат бор. Аллоҳ Таолонинг ёрдами сабрли мўмин бандаларига жуда ҳам тез келади. Қаранг, қилмиш қидирмиш деганларидек, Умму Анмор бошини куйдиргани ўз оёғи билан келди<sup>[3]</sup>.

Мушрикларнинг кучсиз мусулмонларга тазйиқлари кучайиб кетганда, Хаббоб Расулуллоҳ саллалоҳу алайҳи ва саллам олдиларига келди. У зот Каъба соясида чопонларини ёстиқ қилиб ётган эдилар. Хаббоб: “Ё Расулуллоҳ, бизнинг ҳаққимизга дуо қилмайсизми?! Аллоҳдан бизга ёрдам сўрамайсизми?!” деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўтириб олдилар, юзлари қизариб бўғриқиб кетди. Сўнг бундай дедилар: “Сизлардан олдин ўтган халқларда бир кишини олиб келинар, ерни қазиб, уни ўша қазилган чуқурга тушириб, арра билан бошидан иккига арралаб ташланар эди. Бу азоблар уни динидан қайтара олмас эди. Танаси темир тароқ билан таралар, гўштлири суягидан ажралиб кетар эди. Бу қийноқлар уни диндан қайтар олмас эди. Аллоҳга қасам, бу дин мукаммал ҳолга етади. Ҳатто бир киши отга миниб, Санъо шаҳридан Ҳазрамавтгача йўлда ҳеч нарсадан кўрқмай боради, фақат қўйларига бўридан кўрқиши мумкин. Лекин сизлар шошилиб кетяпсизлар”, дедилар<sup>[4]</sup>.

---

[3] “Меҳнатул-муслимийн фил-аҳдил-маккий”, 96-бет.

[4] Бухорий ривояти, Исломда пайғамбарлик аломатлари боби, ҳадис рақами: 3613.

Хаббоб разияллоҳу анҳу мушриклардан кўрган қийноқлар ҳақида сўзлар экан, бундай дейди: “Мен темирчи эдим. Ос ибн Воилнинг мендан қарзи бор эди. Бир куни қарзимни сўраб борсам: “Аллоҳга қасам, Муҳаммаднинг динидан чиқмагунингча қарзимни тўламайман”, деди. Мен унга: “Аллоҳга қасам, сен ўлиб, қайта тирилгунингча ҳам Муҳаммаднинг динидан асло чиқмайман”, дедим. Шунда у: “Мен қачон ўлсам, сўнг қайта тирилсам, олдимга келарсан, ўшанда менинг мол-мулким ва фарзандларим бўлади, қарзимни узарман”, деди. Шундан сўнг Аллоҳ Таоло у ҳақда ваҳий нозил қилди:

**“Эй Пайғамбар, сиз оятларимизга кофир бўлган ва: “Қасамки, охиратда ҳам менга кўп мол-мулк ва фарзандлар ато этилмай”, деган кишини кўрдингизми?” (Марям, 77).**

**“Ҳолбуки, у қиёмат кунида Бизнинг ҳузуримизга (мол-дунёси ва бола-чақаларидан мосуво бўлиб), якка-ёлғиз ҳолда келади” (Марям, 80).**

Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу халифалик даврида Хаббобдан Аллоҳ йўлида чеккан озорлари ҳақида сўзлаб беришини сўради. Шунда Хаббоб орқасини очиб, оқариб кетган терисини кўрсатди. Умар: “Мен бунақасини кўрмаганман”, деди. Хаббоб: “Эй мўминларнинг амири, ўт ёқиб, мени унинг устига орқам билан ётқиздилар. Сўнг улардан бири кўкрагимга оёғини қўйиб босди. Орқам билан ўтни ўчирдим, ўшанда ёғларим эриб кетган эди”, деди<sup>[5]</sup>.

---

[5] “Ар-равз ал-анф”, 2/98-бет.

## Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларга ҳикмат билан муомала қилар эдилар. Айниқса, қабила катталари ва бошлиқларининг ҳурматларини ўрнига қўяр эдилар. Шунингдек, ёш болаларга ҳам меҳрибон эдилар.

Абдуллоҳ ибн Масъуд Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўзи кўрган меҳр ҳақида сўзлаб, бундай дейди: “Мен ёшлигимда Уқба ибн Абу Муайтнинг қўйларини боқар эдим. Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакр билан бирга ўтиб қолдилар. Мендан: “Эй болакай, сенда ичгани сут борми?” деб сўрадилар. Мен: “Ҳа, бор, лекин у менга омонат”, дедим. У зот: “Қисир совлиғинг борми?” дедилар. Мен бир қисир совлиқни олиб келдим. У зот қўйнинг елинини силадилар. Бирдан елинда сут тўпланди. Бир идишга сут соғиб ичдилар, сўнг Абу Бакрга ҳам бердилар. Кейин елинга қараб: “Кичрай”, дедилар. У кичрайди. Мен у зотга: “Менга ҳам шундай сўзлардан ўргатинг, ё Расулуллоҳ”, дедим. У зот бошимни силаб: “Аллоҳ сенга раҳматини туширсин, сен таълим оладиган боласан”, дедилар<sup>[1]</sup>.

Унинг Исломга киришига сабаб мана шу икки калима бўлди. Биринчиси ўзи айтган: “Менга омонатдир” деган сўзлар, иккинчиси эса Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг унга: “Сен таълим оладиган боласан” деган сўзлари эди.

---

[1] “Ал-бидоя ван-ниҳоя”, 3/23-бет. “Сияри аълом ан-нубало”, 1/465-бет.

Бу икки калима унинг ҳаётида катта ўзгариш ясади. Кейинчалик саҳобаларнинг уламоларидан бўлди. Аллоҳ Таоло Қуръони каримда уни мақтади. У Исломга биринчилардан бўлиб кирган эди<sup>[2]</sup>.

Ибн Ҳажар раҳимахуллоҳ Ибн Масъуд ҳақида бундай дейди: “Абдуллоҳ ибн Масъуд Исломни энг биринчи қабул қилганлардан бўлди, икки марта ҳижрат қилди. Бадр ва ундан кейинги барча жангларда иштирок этди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан кўп бирга бўлганидан “ковушларининг соҳиби” деган номга мушарраф бўлди”<sup>[3]</sup>.

### **Абдуллоҳ ибн Масъуд Қуръони Каримни биринчи бўлиб жаҳрий ўқигани**

Ибн Масъуд Маккалик кишилардан бирининг иттифоқида бўлганига ва уни ҳимоя қиладиган қабиласи бўлмаганига қарамай Қурайш олдида Қуръонни овоз чиқариб ўқиди. Ҳолбуки, жисмонан нозик эди, ўзини ҳимоя қила олмас эди. Маккада даъват эндигина оёққа туриб, Қурайш унга қарши чиқиб турган бир ҳолда Ибн Масъуд Қурайш зодагонлари олдида чиқиб, Қуръонни баланд овозда ўқиди. Уларнинг муҳрланган қулоқларига, ғофил қалбларига Қуръон оятларини етказди. Шу билан у Маккада Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин биринчи бўлиб Қуръонни жаҳрий ўқиган одам бўлди.

---

[2] Абдуссаттор Шайх, “Абдуллоҳ ибн Масъуд”, 43-бет.

[3] “Ал-исоба”, 6/214-бет.

Воқеа бундай бўлганди:

Бир куни саҳобалар суҳбатлашиб ўтириб, улардан бири: “Аллоҳга қасам, Қурайш Қуръон ўқилганини асло эшитмаган, ким уларга ўқиб эшиттира олади?” деди. Абдуллоҳ ибн Масъуд: “Мен”, деди. Саҳобалар: “Сенга зулм қилишларидан қўрқамиз, улардан ҳимоя қила оладиган қабиласи бор киши бўлса яхши бўларди”, дедилар. Ибн Масъуд: “Қўяверинглар, Аллоҳ мени улардан асрайди”, деди. Ва эртаси чошгоҳ пайтида Мақоми Иброҳимга келди. Қурайшлик зодагонлар мажлис ўтказадиган жойларида ўтирган эдилар. Ибн Масъуд Мақоми Иброҳимда туриб Қуръондан ушбу оятларни баланд овозда ўқиди:

﴿الرَّحْمٰنُ ۝۱ عَلَّمَ الْقُرْاٰنَ ۝۲ خَلَقَ الْاِنْسٰنَ ۝۳﴾

**”Меҳрибон (Аллоҳ Муҳаммад Пайғамбар ва унинг умматларига) Қуръонни таълим берди. У Зот инсонни яратди” (Раҳмон: 1-3).**

У бу оятларни қайта-қайта ўқиди. Қурайш унга қулоқ тутиб: “Қулнинг боласи нима деяпти?” дедилар. Кимдир: “У Муҳаммад келтирган нарсаларни ўқияпти”, дейишди. Шунда ўринларидан туриб, уни ура кетишди. У эса Қуръонни ўқийверди. Сўнг юзи қонга беланган ҳолда саҳобалар олдига қайтиб келди. Улар: “Биз шундай бўлишидан қўрққан эдик”, дейишди. Ибн Масъуд: “Аллоҳнинг душманлари мен учун яна-да арзимас бўлиб қолди, агар хоҳласанглар эртага ҳам худди шундай қиламан”, деди.



Улар: “Бас, етар, уларга ёқтирмаган нарсаларини эшиттирдинг”, дедилар<sup>[4]</sup>.

Шундай қилиб, Абдуллоҳ ибн Масъуд Маккада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин биринчи бўлиб Қурайш олдида Қуръонни жаҳрий ўқиган киши бўлди. Шубҳасиз, унинг бу иши уларга қаттиқ зарба бўлди. Қурайш бундай зарбага йўлиқишини кутмаган эди. Шунча азиятлардан сўнг ҳам Абдуллоҳ ибн Масъуднинг бундай ишга қўл уриши унинг иймони ўта бақувватлигига далолат қилади<sup>[5]</sup>.

### **Холид ибн Саид ибн Ос разияллоҳу анҳу**

Холид ибн Саид ҳам биринчилардан бўлиб Исломни қабул қилган эди. У Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам даъватни янги бошлаган кезларда бир туш кўрган эди. Тушида ўзини дўзахнинг лабида кўрди. Ортидан биров уни дўзахга итараётган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни қутқармоқчи бўлиб ортга тортаётган эканлар. Уйқудан чўчиб уйғонди. Бу тушни ҳақ деб билиб, уни Абу Бакр разияллоҳу анҳуга айтиб берди. Абу Бакр: “Сенга холис насиҳатим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргаш”, деди. Холид Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига бориб, Исломни қабул қилди. Исломга кирганини отасидан яширди.

---

<sup>[4]</sup> “Сийрати Ибн Хишом”, 1/314,315. “Усдул-ғоба”, 3/385,386-бетлар.

<sup>[5]</sup> “Меҳнатул-муслимийн фил-аҳдил-маккий”, 88-бет

Лекин отаси унинг ҳадеб кўздан ғойиб бўлаверганидан Исломга кирганини билиб қолди. Уни тутиб келиш учун ҳали Исломга кирмаган иниларини жўнатди. Улар уни ушлаб, оталарига олиб келишди. Отаси уни қўлидаги таёқ билан урди. Бошига қаттиқ урганидан таёқ синиб кетди. Сўнг уни қамаб қўйди. Иниларини у билан гаплашишдан ман қилди. Қўл ва оёқларига кишан солдирди, кишанларни маҳкам боғлаб, қийнади. Унга уч кунгача сув бермади. Холид ҳаммасига чидади. Отаси унга: “Аллоҳга қасам, сенга овқат бермайман”, деди. Холид: “Сиз овқат бермасангиз, менга Аллоҳ ризқ беради”, деди. Сўнг қочиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига бориб олди. У зот унга кўп иззат-икром кўрсатар эдилар. У билан бирга бўлар эдилар. Ҳабашистонга иккинчи марта ҳижрат қилинганда Холид ҳам муҳожирлар билан бирга ҳижрат қилди<sup>[1]</sup>.

---

[1] “Сияри аълom ан-нубало”, 1/260-бет.

## Усмон ибн Мазъун разияллоҳу анҳу

Усмон ибн Мазъун Исломга кирганда қавми душманлик қилиб, унга кўп азиятлар берди. Улар ичида айниқса Умайя ибн Халаф унга кўп душманлик қилди. Шунинг учун Ҳабашистонга ҳижрат қилганидан кейин Усмон уни ҳажв қилиб шеър айтган эди<sup>[1]</sup>.

Усмон Ҳабашистонда бир муддат қолгач, биринчи сафар ортга қайтганлар билан бирга қайтди. Маккада уни Валид ибн Муғира ўз ҳимоясига олди. Унинг ҳимоясида бежавотир юрди. Бироқ Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳобларига етган мусибатларни кўриб, тинчи бузилди ва: “Мен бир мушрикнинг ҳимоясида тинч-омон ўтирсам-у, диндош биродарларим Аллоҳ йўлида турли мусибатларга йўлиқсалар, Аллоҳга қасам, бу мен учун айбдир”, деди<sup>[2]</sup>.

Сўнг Валид ибн Муғирага бориб, унга: “Эй Абу Абду Шамс, мен ҳимоянгдан чиқаман. Ҳимоянгни ўзинга қайтардим”, деди. Валид: “Нега, эй жияним? Озор кўрдингми ёки сенга ҳурматсизлик қилиндими?” деди. Усмон: “Йўқ, лекин мен Аллоҳнинг ҳимоясига ўтмоқчиман, ундан бошқасининг ҳимоясини хоҳламайман”, деди. Валид: “Ундай бўлса, масжидга бориб, халқ олдида ҳимоямдан чиққанингни ошкора айт, худди мен сени ошкора ҳимоямга олганимдек”, деди.

---

[1] Заҳабий, “Ас-сийра ан-набавия”, 112-бет.

[2] Ибн Ҳишом, “Ас-сийра ан-набавия”, 2/120-бет.

Сўнг икковлари масжидга йўл олди. Усмон одамларга Валиднинг ҳимоясидан чиққанини айтди. Кейин Усмон Қурайш ўтирган йиғинга келиб, улар билан бирга ўтирди, ичларида шоир Лабид ибн Рабаи бор эди<sup>[3]</sup>. У уларга шеър айтаётган эди. Лабид шеърида бундай деди: “Огоҳ бўлинг, Аллоҳдан ўзга барча нарса ботилдир”. Усмон: “Тўғри айтдинг”, деди. Лабид шеър давомида деди: “Ҳар бир неъмат сўзсиз заволга маҳкумдир”. Усмон: “Ёлғон сўзладинг, жаннат неъматлари абадийдир”, деди. Лабид: “Эй Қурайш жамоаси, Аллоҳга қасам, бу авваллари бундай эмас эди, қачондан бери бунақа бўлиб қолди?” деди. Қавмдан бир киши: “Бу бир эси паст одам, унинг ўзига ўхшаган эси паст шериклари ҳам бор, улар динимиздан чиққан. Унинг сўзидан хафа бўлма”, деди.

Усмон унга жавоб қайтарди. Ўртада шовқин-сурон кўтарилди. Ўша ерда ўтирганлардан бири туриб, Усмоннинг юзига бир мушт уриб, кўзини кўкартириб қўйди. Валид Усмоннинг яқинида ўтириб, унга етган мусибатни кўриб турар эди. Валид унга: “Эй жияним, кўзинг бу аҳволга тушишдан азиздир. Сен менинг ҳимоямда эсон-омон юрган эдинг”, деди. Усмон унга: “Аллоҳга қасам, эй Абу Абду Шамс, соғ қолган кўзим ҳам Аллоҳ йўлида мана шундай мусибатга йўлиқса розиман. Мен сендан азиз ва кучли бўлган зотнинг ҳимоясидаман”, деди. Валид унга яна ўз ҳимоясига ўтишни таклиф қилди, лекин Усмон бош тортди<sup>[4]</sup>.

---

[3] Ибн Саллам, “Табақот аш-шуаро”, 48,49-бетлар.

[4] Ибн Исҳоқ, “Ас-сияр вал-мағозий”, 178,180-бетлар.

Бу воқеадан Усмоннинг иймони қай даражага етганини англаш қийин эмас, албатта. У вафот этганда Умму Ало ал-Ансория бир туш кўради. Тушида Усмоннинг оқар чашмаси бор экан. Умму Ало Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб, кўрган тушини айтиб берганида у зот: “Бу унинг дунёда қилган яхши амалидир”, дедилар<sup>[5]</sup>.

Мазкур саҳобалардан бошқа ҳам кўп саҳобалар динлари сабабли қаттиқ азиятлар чекдилар, қийноқларга солиндилар. Бу йигитлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг чақириқларини қабул қилганлари туфайли шундай тазйиқларга дучор бўлдилар. Лекин улар ҳар қанча мусибат кўрмасинлар, оталари, қариндош-уруғлари томонидан қийноқларга солинмасинлар, бу йўлда мустаҳкам туриб, динларидан асло воз кечмадилар. Исломга киргунларича қўлларида бор бўлган барча имкониятларини Аллоҳ учун сарфладилар. Аллоҳ йўлида турли хил фитналарга, азиятларга дуч келдилар ва ҳаммасига сабр қилдилар.

Иймон қалбга мустаҳкам ўрнашса, мана шундай мўъжизалар кўрсатади. Ҳар қандай мусибатга бардошли қилиб қўяди. Чунки банда бу йўлда Аллоҳнинг розилигини ва жаннатини умид қилади.

---

*[5] Бухорий ривояти, 4/265-бет, ҳадис рақами: 7004.*

Мусулмонларга мушриклар тарафидан қўлланган жазо ва қийноқлар эркакларгагина чекланмади. Балки уларнинг аёллари ҳам қийноқлардан ўз улушларини олдилар. Сумайя бинти Хайёт, Фотима бинти Хаттоб, Бани Муаммалнинг чўриси Лабиба, Зиннира Румия, Наҳдия ва унинг қизи, Умму Убайс, Билолнинг онаси Ҳамома ва бошқа бир қанча аёллар мушриклар тарафидан кўп озорлар кўрдилар.